2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили

№12 (865)
2025 йил 18 февраль, сешанба

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

*Энергетика, транспорт, урбанизация, замонавий архитектура, тиббиёт йўналишларида “Эл-юрт умиди” жамғармаси квоталари кўпайтирилади. Ҳарбий билим юртларининг намунали тингловчилари учун “Олий бош қўмондон” давлат стипендияси жорий этилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 14 февраль куни мамлакатимиз ёшлари билан ўтказган учрашувидаги сўзларидан.

*Қувасойнинг қуёш панелли кўча чироқлари* 4



## ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР

▶ 3-бет

# “АҚЛЛИ ШАҲАР” КОНЦЕПЦИЯСИ

## *транспорт, экология ва хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилади*

**Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Кувайт ўртасидаги таълим ва илмий-техникавий ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб, янги йўналишларда ривожланиб бормоқда.**

Араб тили ва адабиёти, исломшунослик, тиббиёт, туризм, иқтисодиёт каби анъанавий соҳалардаги ҳамкорлик билан бирга, бугунги кунда икки давлат “Ақлли шаҳар” лойиҳаларини жорий этиш борасида ҳам фаол ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Бу эса нафақат таълим ва фан соҳасида, балки инновация ва технологиялар йўналишида ҳам янги имкониятлар эшигини очади.

Ўзбекистонда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ўрни беқиёс бўлиб, бу жараёнда “Ақлли шаҳар” концепциясини татбиқ этиш зарурати ортиб бормоқда. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари асосида ҳудудларнинг инновацион салоҳиятини юксалтириш, рақамли технологияларни жорий этиш ва замонавий инфратузилмани шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент архитектура-қурилиш университети ректори в.б. Баҳром ТЎЛАГАНОВ бу ҳақда ЎзА мухбири Муҳайё ТОШҚОРАЕВАга қуйидагиларни гапириб берди:

– Бугунги кунда дунё бўйлаб аҳоли сонининг кескин ошиб бориши урбанизация жараёнини тезлаштирмоқда. Бундай шароитда шаҳар инфратузилмасини самарали бошқариш, экологик муҳитни яхшилаш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида ақлли технологиялар тобора кенг жорий этилмоқда. “Ақлли шаҳар” технологиялари транспорт тизимини оптималлаштириш, энергия сарфини камайтириш, атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш ва фуқаролар учун қулай ҳаёт шароитини яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кувайтнинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистонда инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва тижоратлаштириш учун замонавий илмий-техник мажмуалар, бизнес-инкубаторлар ва стартап-акселераторларни ҳамкорликда яратиш бўйича кенг кўламли лойиҳалар амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ташаббуслар илмий изланишлар самарадорлигини ошириш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва иқтисодиётнинг стратегик тармоқларига илғор технологияларни жорий этишга қаратилган.

Олий таълим муассасаларининг ҳудудлар билан ҳамкорлиги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш имконини яратади. Бу эса “Ақлли шаҳар” лойиҳаларини ривожлантириш, замонавий технологиялар ҳамда маълумотлар таҳлили орқали самарали бошқарувни таъминлашда муҳим омил сифатида намоён бўлади. Жорий йилда олиб борилган тадқиқотлар ва таҳлиллар натижасида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга қаратилган таклифлар орасида инновацион технологияларга асосланган “Ақлли маҳалла” лойиҳаси ҳам бўлиб, мазкур лойиҳа доирасида маҳаллаларни ривожлантириш, рақамлаштиришни жадаллаштириш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш каби йўналишлар бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилмоқда.

Ҳудудий ривожланиш соҳасида Ўзбекистон Кувайт ҳамкорлик тажрибаларига таянган ҳолда бир қатор лойиҳалар устида иш олиб бормоқда. Кувайтда ақлли шаҳарлар яратиш бўйича бир нечта йирик лойиҳалар амалга оширилган бўлиб, бу лойиҳалар, асосан, рақамли технологиялар ва яшил инфратузилмани бирлаштиришга қаратилган. Ақлли шаҳарлар кўпинча энергия самарадорлигини оширувчи тизимларга, қуёш панеллари ва энергия тежовчи қурилмаларга асосланади. Масалан, Кувайтда 2022 йилда ишга туширилган “Харир Сити” лойиҳаси энергия самарадорлиги ва экологик барқарорлик тамойилларига асосланган бўлиб, қуёш панеллари ва чиқиндини қайта ишлаш технологияларини ўз ичига олади. Шунингдек, Ўзбекистон ҳам Кувайт тажрибасига асосланган ҳолда 2030 йилгача рақамли инфратузилмани тўлиқ модернизация қилиш режасини ишлаб чиқмоқда.

Ҳозирги вақтда шаҳарларнинг хавфсизлиги, экологик барқарорлиги ва самарадорлиги инсонларнинг қулай яшаши учун энг муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, Ўзбекистонда ҳам “Ақлли шаҳар” концепцияси ишлаб чиқилган ва ушбу лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тажрибалар олиб борилмоқда. “Ақлли шаҳар” концепцияси транспорт, экология ва хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилади, уларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади. Масалан, тирбандлик ва транспорт муаммоларини бартараф этиш учун йўлларни сунъий интеллект асосида бошқариш, жамоат транспорти тизимини оптималлаштириш ва йўловчиларга қулай имкониятлар яратиш мумкин.

Шунингдек, ақлли кузатув камералари, таҳлилий дастурлар ва сунъий интеллект технологиялари жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари, экологик барқарорликни таъминлаш мақсадида ҳаво сифатини мониторинг қилиш, чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини ривожлантириш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича илғор технологиялар жорий этилмоқда. Натижада, ақлли шаҳарлар аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш билан бирга, барқарор ривожланиш тамойилларига ҳам хизмат қилади.

Атроф-муҳит мониторинги тизимлари ҳаво сифатини назорат қилиш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва энергия самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Масалан, 2023 йилда Ўзбекистонда экологик мониторинг бўйича 50 та ақлли сенсор тизими ўрнатилиб, атроф-муҳитни назорат қилиш тизими йўлга қўйилган.

Рақамли бошқарув тизими орқали эса давлат хизматлари, шаҳар инфратузилмаси ва коммунал тизимлар автоматлаштирилган ҳолда бошқарилади. Масалан, Кувайт шаҳри бутунлай ақлли хавфсизлик тизимлари билан бошқарилади. Ушбу шаҳар сунъий интеллект ва ахборот технологияларидан фойдаланиб, аҳолининг хавфсизлиги ҳамда қулайлигини таъминлашга эришди. Йўл ҳаракати тартибга солинган, жамоат жойлари видеокузатув остида, фавқулодда вазиятлар сунъий интеллект орқали олдиндан аниқланади ва тезкор чора кўрилади.

Худди шундай тизимни Ўзбекистонда ҳам жорий қилиш мақсадида Тошкент архитектура-қурилиш университети томонидан бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган. Университет мутахассислари “Ақлли шаҳар” лойиҳаси доирасида тажрибалар олиб бормоқда. Дастлабки босқичда ҳудуднинг тизимлаштирилган тахминий кўриниши ишлаб чиқилиб, рақамли бошқарув тизими ва қуёш энергияларидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида кузатув камералари, хавфсизлик тизимлари, транспорт ва автотураргоҳлар, бизнес марказлари, чиқиндиларни қайта ишлаш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистоннинг “Ақлли шаҳар” лойиҳаси барқарор шаҳар бошқаруви йўлидаги катта қадамдир. Янги Тошкент лойиҳаси эса мамлакатда ақлли шаҳарларни ривожлантиришнинг асосий босқичларидан бири бўлади. Ушбу лойиҳа инфратузилмани модернизация қилиш, инновацион ечимларни жорий этиш ва аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган.

*Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида*

# Фарғона вилоятидаги объектлар ўрганилди

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Фарғона вилоятидаги қурилиш объектлари ўрганилди.**

Дастлаб, Данғара туманининг “Тарғова” маҳалла фуқаролар йиғини Ёшлик кўчаси ҳудудидаги мавжуд муаммолар ва имкониятлар ўрганилди. Мазкур ҳудуд бўйича масъуллар билан бирга “Маҳалла еттилиги”, тадбиркорлар ҳамда фаолларнинг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги ошириш, ишсизлик ва камбағалликни кескин қисқартириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш мақсад қилинган.



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига Данғара туманидаги “Доимобод”, “Тайпоқ”, “Катта турк”, “Катта бойбўча”, “Тарғова” каби 5 та маҳалла фуқаролар йиғини бириктирилган. Президентимизнинг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликдан фаровонлик сари” Дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-330-сонли қарорига кўра, мазкур маҳаллаларда томорқа ерларини суғоришни яхшилаш, электр энергияси барқарор етказиб берилишини таъминлаш, интернет сифатини ошириш, ички йўлларни таъмирлаш ва инфратузилмани яхшилаш каби ишлар олиб борилади.

Ўрганиш жараёнида вазир ўринбосари аҳолига муносиб шароит яратиш устувор вазифа эканини таъкидлаб, мутасаддиларга белгиланган топшириқларни ўз вақтида бажариш бўйича кўрсатмалар берди.

▶ 2-бет

## *Ҳавони тозалаш чоралари кўриляпти*



**“Иссиқлик электр станциялари” АЖ ва унинг таркибидаги иссиқлик электр станциялари ҳамда марказлари томонидан 2024 йилнинг баҳор мавсумида 61 949 туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди ва бу белгиланган режага нисбатан 119 фоизни ташкил қилди. 2024 йилнинг куз мавсумида 67 958 дона кўчат ўтқазилиб, бу ерда белгиланган вазифалар ижроси 108 фоизни ташкил этди. Барча экилган кўчатларга ID рақамлар олинган бўлиб, ушбу ишлар белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, далолатномалар тузилди.**

▶ 2-бет

# Газ соҳасини такомиллаштириш бўйича янги Низом

**“Ўзтрансгаз” АЖ магистраль газ қувурларининг газ тақсимлаш ва газ ўлчаш станцияларини техник эксплуатация қилиш тўғрисида Низом” ишлаб чиқилди. Бу ҳақда АОКАда ўтказилган брифингда “Ўзтрансгаз” АЖ ахборот хизмати раҳбари Шаҳноза Равшанова маълум қилди.**

Жамият магистраль газ қувурлари тизими стратегик объектларга ҳамда мураккаб муҳандислик иншоотларига эга тармоқ ҳисобланади. Тизимда соҳага оид норматив ҳужжатларни такомиллаштириш ва ҳужжатлар фондини бойитиш мақсадида низом, қўлланма ва бошқа техник ҳужжатларни тайёрлаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Газ тақсимлаш ва газ ўлчаш станцияларини техник эксплуатация қилишни тартибга солувчи меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилингани бу борадаги яна бир қадам бўлди.

Янги Низом 16 бўлим, 18 та банд ва 33 та иловадан иборат техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат бўлиб, ўзбек ва рус тилида, лотин ва кирилл ёзувларига асосланган ўзбек алифбосида тайёрланди. Низом акциядорлик жамияти тасарруфидаги газ тақсимлаш ва газ ўлчаш станцияларининг ускуналарини хавфсиз эксплуатация қилиш, станциялар тизими ҳамда тармоқларида профилактика ва таъмирлаш ишларини бажариш учун техник талаблар, эксплуатация қилиш ва ускуналарини таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш, саноат хавфсизлиги қоидалари, жумладан ёнғин, техника, электр, экология ва газ хавфсизлиги кабиларни таъминлашга хизмат қилади.

▶ 2-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№12 (865) 2025 йил 18 февраль

*Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида*

## Фарғона вилоятидаги объектлар ўрганилди

◀ 1-бет

Шунингдек, вазир ўринбосари бошчилигидаги ишчи гуруҳ “Тарғова” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Раҳматжон Абдуллаев хонадонида бўлди. Бу оила мазкур маҳалланинг драйвери бўлган кўчатчилик билан шуғулланади. Шу орқали йилига яхшигина даромад топади. Оила бошлиғи билан бўлган суҳбатда вазир ўринбосари уларнинг муаммолари ва режалари билан қизиқди. Ҳар бир ишда маҳалла раиси ҳамда маҳалла еттилиги намуна бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Тоир Алиматов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қўқон шаҳар “Ғиштли масжид” маҳалла фуқаролар йиғини Гузар кўчасида жойлашган кўп қаватли уйни ҳам кўздан кечиришди. 266-сонли мазкур уйнинг ертўла қисмида коммуникация тизимлари носозлиги ва чиқиндилар тўплангани танқид қилинди. Ушбу уйга хизмат кўрсатувчи “Қўқон иншоот қурилма” БСК томонидан мавжуд камчиликлар зудлик билан бартараф этишга киришилди. Шундан сўнг маҳалла фуқаролар йиғинининг Мовароуннаҳр кўчасида реновация асосида барпо этилаётган кўп қаватли уйнинг ҳолати ўрганилди. Жараёнда лойиҳа ташкилотчиси томонидан муаллифлик назорати, пудратчи томонидан эса техник назорат йўлга қўйилмагани аниқланди. Бундан ташқари, бу ерда бетонлаш ишлари ҳам сифатсиз бажарилгани танқид қилинди. Муаммоларни тезда бартараф этиш бўйича масъулларга кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ Марғилон шаҳри “Ипакчи” ва “Қиргули” МФЙлар ҳудудидаги бир қаватли маънан эскирган турар жой бинолари ўрнига реновация дастури доирасида қурилаётган кўп қаватли турар жой объектини ҳам кўздан кечиришди. Хусусан, “Ипакчи” МФЙ ҳудудидаги “Safo house” ҳамда “Капитал таъмир” МЧЖлар томонидан қурилаётган 7 қаватли турар жойлар сифати ҳамда қурилиш жараёни таҳлил қилинди.

## Ноқонуний қурилишлар бартараф этилди

**Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан Янгийўл шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг техник ҳолати ўрганилди.**

Ўрганиш ишлари давомида “Фаровон” МФЙда жойлашган уйда мулкдор ўзбошимчалик билан биринчи қаватнинг темир-бетон плиталарини тешиб, ертўлага ноқонуний йўл очганлиги аниқланди. Бу ҳолат бинонинг сейсмик мустаҳкамлигини заифлаштириб, кўп қаватли уйда яшовчи фуқароларнинг ҳаётини хавф остига қўяди. Инспекция томонидан ноқонуний ўзгаришларни зудлик билан бартараф этиш бўйича мулкдорга бажарилиши шарт бўлган ёзма кўрсатма берилди. Агар ўзбошимчалик ўз вақтида тўғриланмаса, судга даъво аризаси киритилиб, мажбурий тартибда тиклаш ишлари амалга оширилади.

# АМУДАРЁДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ҚИЗҒИН



**Аҳмаджон РАЖАПОВ,**
Амударё тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи.

**Амударё тумани ҳудуди ва аҳоли сони жиҳатдан Қорақалпоғистон Республикасидаги энг катта туманлардан бири саналади. Шу боис, аҳолининг турар жой ва ижтимоий соҳа объектларига талаби юқори. Ҳозирги кунда туманда турли йўналишдаги кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти.**

Хусусан, ўтган 2024 йилда туманда 12 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланди. Шунингдек, инвестиция дастури доирасида 9 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган эди. Шундан, Беруний номли МФЙ ҳудудидаги 31-сонли мактабнинг эски 330 ўринли биносини, “Хизр эли” МФЙ ҳудудидаги 46-сонли мактаб, “Қангли” ОФЙ ҳудудидаги 49-сонли боғча, “Куюк кўпир” ОФЙ ҳудудидаги 5-сонли оилавий поликлиника биноларини реконструкция қилиш, “Жумур” ОФЙ ҳудудидаги 48-сонли мактабга қўшимча 240 ўринли бино ва спорт зал қуриш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, “Бўз солма” МФЙ ҳудудига янгитдан сув иншоотини қуриш ва 30 километр узунликдаги ичимлик сув тармоқларини тортиш, “Тош ёп” ОФЙ ҳудудида туман Фавқулодда вазиятлар бўлими ва 4 та ёнғин-қутқарув автомобилига мўлжалланган ёнғин-қутқарув қисмининг бино-иншоотларини қуриш, Манғит арна ҳамда Қоракўз каналини реконструкция қилиш бўйича қурилиш ишлари тўлиқ якунланди. Шунингдек, бошқа дастур бўйича 3 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган бўлиб, шундан, “Қорамон” МФЙ ҳудудидаги 150 ўринли боғча биносини янгитдан, “Жумур” ОФЙ ҳудудидаги 48-сонли мактабга замонавий спорт майдончасини қуриш ишлари тўлиқ якунланди.

Ички йўлларни таъмирлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги ПҚ-330-сонли қарорига асосан, 153 километр, Вазирлар Маҳкамасининг 500-сонли қарорига асосан, 34 километр узунликдаги тупроқ йўлларга тош ётқизиш ишлари белгиланган. Бугунги кунда туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан 34 километр узунликдаги ички йўлларга тош-шағал аралашмаси ётқизилган.

Жорий йилда ҳам туманимизда янги қурилиш ишларини олиб бориш бўйича кенг кўламли ишлар режалаштирилган. Ҳудудда давлат дастурлари асосида барча манбалар ҳисобидан жами 8 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган. Шунингдек, Инвестиция дастури доирасида мактабларни реконструкция қилиш бўйича, 59- ва 68-сонли мактабларга қўшимча бино ва 12х24 ўлчамли спорт заллари қуриш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тендер савдоларига жойлаштирилмоқда.

Сув таъминоти ва канализация тортиш бўйича тумандаги “Жумуртов” ШФЙ ҳудудидаги “Ақчакўл” овулига 5,4 километр ичимлик суви тармоқларини янгитдан қуриш, “Дўстлик” МФЙ ҳудудидаги “Янги Ўзбекистон” массивида ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш ишлари давом этмоқда. Иссиқлик таъминоти соҳасида ушбу массивда иссиқлик тизимларини қуриш ишлари тендер савдоларига жойлаштирилиш арафасида. Ирригация тармоқлари ва иншоотлари йўналишида Амударё туманидаги “Жумуртау” ШФЙ қисмидан оқиб ўтувчи Амударё дарёсининг ПК1674+00 да жойлашган “Жумуртау” шпорининг бош қисмидан 0,85 километр қисмини тош билан мустаҳкамлаш ишлари бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқиляпти. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 сентябрдаги Ислом тараққиёт банки ва “ОПЕК” халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида туман ҳудудидаги 7 та объектда, асосан, мактабгача таълим муассасаларини қуриш назарда тутилган бўлиб, бугунги кунда қурилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Туманимизда турар жойларга бўлган эҳтиёж жуда катта. Шу боис, ҳозирги кунда туман ҳудудида жами 10 та кўп квартирали уй-жойлар қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Шундан, 8 таси “Янги Ўзбекистон” массивига, 2 таси уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа массивларга тўғри келади. Бугунги кунда ушбу турар жойларда 35 фоиз қурилиш ишлари якунланди. Жорий йилда мазкур кўп қаватли турар жойларни фойдаланишга топшириш орқали тумандаги 330 та уй-жойга эҳтиёжманд оилалар янги уй билан таъминланади. Бундан ташқари, жорий йилда туман ҳудудида 660 та хонадонни ўз ичига олган 13 та кўп қаватли турар жойларни янгитдан қуриш ишларини олиб бориш режалаштирилган бўлиб, ҳозирда қурилиш ишлари бошланиш арафасида.

Шунингдек, “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2024 йил 2-мавсуми доирасида туман ҳудудидаги 3 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, “Янгиобод” МФЙ ҳудудидаги 40-сонли мактаб ҳудудига универсал спорт майдончасини қуриш, шу туманнинг “Дарё бўйи” МФЙ ҳудудида жойлашган 21-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабини жорий таъмирлаш ишлари бўйича қурилиш ишлари давом этмоқда.

2025 йил ҳам қувончли воқеалар билан бошланди. Тумандаги бир қатор мактабларнинг янгитдан қурилган ёки қайта таъмирланган бинолари фойдаланишга топширилди. Жумладан, Беруний номли МФЙ ҳудудидаги 31-сонли умумтаълим мактабининг 330 ўринга мўлжалланган, “Хизр эли” МФЙ ҳудудидаги 46-сонли умумтаълим мактабининг янги бинолари, Жумур-овул маҳалласида 48-сонли 240 ўринга мўлжалланган мактаб биноси ва яна 2 та мактабгача таълим муассасасининг янги бинолари қурувчилар томонидан сифатли қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Жорий йилда ҳам кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик ишларини давом эттириб, аҳолига қулай ҳаёт тарзини тақдим этишда давом этамиз.

## Газ соҳасини такомиллаштириш бўйича янги Низом

◀ 1-бет

Шунингдек, зарурий техник ҳужжатлар ҳажми ва уларни расмийлаштириш тартибини белгиловчи, долзарб талабларни инобатга олувчи мукаммал ички норматив ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Энергетика, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси, Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда Ўзбекистон энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмасининг Республика кенгаши билан келишган ҳолда тасдиқланиб, илк бор амалиётга жорий қилинди. Шу кунларда китоб кўринишида нашр этилмоқда.

Низомда станциялар аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган.

Газ тақсимлаш станцияси – магистрал газ қувурлари тизимидаги асосий объект ҳисобланади. Унинг вазифаси табиий газни белгиланган босимда, тозаланган, одорантланган ва сарфини ўлчаган ҳолда давлат стандартлари талабларига мувофиқ сифатли ҳолда истеъмолчига етказиб беришдан иборат. Станция конструкциялари газни тозалаш қурилмалари, созловчи мосламалар, газ тақсимлаш тармоғи ва бошқаларни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси газни ташишга тайёрлаш ва уни керакли йўналишлар бўйича тақсимлаш мақсадида ишлатилади.

Газ ўлчаш станцияси – магистрал газ қувурлари орқали узатиладиган табиий газ сарфини узлуксиз ва зарурат бўлганда сифат кўрсаткичлари бўйича ўлчашга ихтисослашган технологик ускуна, восита ва тизимлар мажмуидир. Газ тақсимлаш ва газ ўлчаш станциялари газ саноатининг муҳим иншоотлари ҳисобланиб, амалдаги газ қувурларида эксплуатациянинг ишончлилиги ва ундан фойдаланиш самарадорлигини, унинг узоқ муддатли фойдаланиш ҳолатида сақланишини таъминловчи тартиб асосида эксплуатация қилинишига боғлиқ.

Ишлаб чиқилган янги Низом Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ва бошқа қонунлари талабларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланди. Бу ҳужжат тизимдаги 500 га яқин газ тақсимлаш ва ўлчаш станцияларида меҳнат қилаётган ходимлар учун зарурий қўлланма сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Айтиш жоизки, бундан аввал “Ўзтрансгаз” АЖда меҳнатни муҳофаза қилиш, саноат хавфсизлиги ва экология бошқарувининг ягона тизими” номли техник жиҳатдан тартибга солишга оид норматив ҳужжат ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Китоб шаклида чоп этилиб, жойларга тарқатилган.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, 2025 йил 10 февраль куни Бухоро вилоятидан ўтувчи диаметри 1020 мм бўлган магистрал газ қувурининг 106-километрида газ сизиб чиқиш ҳолати содир бўлди. Ҳолатни бартараф этиш мақсадида тезкорлик билан барча зарур чоралар кўрилди ва газ қувуридаги ёнғин тўлиқ ўчирилиб, авария бригадалари томонидан таъмирлаш-тиклаш ишлари қисқа фурсатларда бажарилди. Барча ишлар “Ўзтрансгаз” АЖ раҳбариятининг бевосита назорати остида олиб борилиб, 11 февраль тонгида газ транспорт тизими тўлиқ иш режимида фаолиятини давом эттира бошлади. Таъмирлаш даврида республикамиз истеъмолчилари табиий газ таъминотига салбий таъсирнинг олдини олиш мақсадида газ таъминоти ёндош қувурлар орқали амалга оширилди. Айни пайтда магистрал газ қувурлари тизими мавжуд ресурс асосида бир маромда ишламоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

## Ҳавони тозалаш чоралари кўриляпти

◀ 1-бет

Маълумот учун, 2021 йилдан бошлаб ҳозирга қадар “Иссиқлик электр станциялари” АЖ тасарруфидаги корхоналарда жами 400 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилиши таъминланди. 2025 йилда АЖ ва унинг таркибидаги иссиқлик электр станциялари ҳамда марказлари томонидан жами 69 702 туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилиши режалаштирилган.

Бунда 32 гектар ер майдонида “Яшил белбоғ”лар барпо этилиши ҳамда 23 гектар ер майдонида томчилатиб суғориш тизими жорий қилиниши кўзда тутилган. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ушбу йўналишда “яшил энергия”, яъни муқобил энергия манбаларини жорий этиш мақсадида тизимда қуввати 16,3 МВт қуёш фотоэлектр станциялари қуриб, фойдаланишга топширилган. Бугун ушбу қувватлар электр станцияларининг ўз эҳтиёжига зарур бўлган электр энергиясини ишлаб чиқариш баробарида, атроф-муҳитга ташланадиган зарарли моддаларни камайтириш имконини бермоқда.

– 2024 йилда “яшил энергия” ҳисобига электр станцияларида 20,2 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди, – деди “Иссиқлик электр станциялари” АЖ бошқарма бошлиғи Наргис Валиева. – Бунинг натижасида 3,9 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилинди. Бу билан, атмосфера ҳавосига 50,1 тоннагача ифлослантирувчи моддалар ҳамда 8,3 минг тоннагача иссиқлик газлари (CO2) ташланишининг олди олинди. Электр станцияларининг ички ва ташқи ҳудудларини ёритишда ҳам муқобил энергия манбаларидан фойдаланилмоқда. Хусусан, қуёшдан қувватланувчи автоном ёритиш чироқлари, сенсорли ҳаракат датчиклари ва электр двигателларга ўрнатилган частота ўзгартиргич қурилмалари натижасида 2024 йилда автоном қуёш ёритиш чироқлари ишлаши туфайли 1,3 минг кВт соат, сенсорли ҳаракат датчиклар ҳисобига 7,9 миллион кВт соат электр энергияси иқтисод қилинишига эришилди. Қуёш сув иситиш қурилмаларининг жорий этилиши натижасида эса, 179 минг кубметр табиий газ иқтисод қилинди.

Булардан ташқари, атмосфера ҳавосига салбий таъсирни камайтириш ва мониторингини олиб бориш бўйича Тўрақўрғон, Толимаржон, Ангрен иссиқлик электр станцияларида ҳамда Тошкент, Фарғона иссиқлик электр марказларида ташламаларни автоматик мониторинг қилиш станциялари ўрнатилди. Айни пайтда, Тўрақўрғон ва Толимаржон электр станцияларининг автоматик мониторинг станциялари маълумотлари Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг “Ягона геоахборот” базасига интеграция қилинган.

Янги Ангрен иссиқлик электр станциясида мавжуд электрофильтрларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари натижасида электрофильтрларнинг самарадорлиги 84 фоиздан 96 фоизгача кўтарилди. Шунингдек, кул ушлаб қолувчи циклонлар янгисига алмаштирилди. Тошкент шаҳри аҳолисини барқарор электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсадида Чилонзор ва Олмазор туманларида энг замонавий, экологик самарадор когенерация қурилмалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирда ушбу русумдаги қурилма Сергели туманида бунёд этилмоқда.

Юқоридаги ишларни амалга ошириш натижасида атмосфера ҳавосига 83 минг тоннагача ифлослантирувчи моддалар ҳамда 4,1 миллион тоннагача иссиқлик газлари (CO2) ташланишининг олди олинди.

2025 йилда тизимда муқобил энергия манбаларини кенг жорий этишга қаратилган лойиҳаларни ривожлантириш мақсадида умумий қуввати 240 МВт бўлган 3 та қуёш фотоэлектр станциясини қуриш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган. Бу билан, қўшимча равишда атмосфера ҳавосига 751,5 тоннагача ифлослантирувчи моддалар ҳамда 124,5 минг тоннагача иссиқлик газлари (CO2) ташланишининг олди олинишига эришилади.

**Ўз мухбиримиз.**

## Ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш – давр талаби

**Нигора НОЗИМЖОНОВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Наманган вилояти қурилиш ва уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш ва уни аҳолига етказиб бериш ҳамда оқава сув хизматларидан фойдаланиш бўйича устувор вазифалар белгиланган бўлиб, бу юзасидан жойларда назорат тадбирлари ўтказилмоқда.**

Ҳудудий инспекция ходимлари томонидан вилоятда ичимлик суви таъминоти, ундан оқилона фойдаланиш ҳисобини ўз вақтида юритиш ва оқава сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланиш қоидаларига амал қилиниши бўйича назорат ишлари кучайтирилган. 2024 йилда ўтказилган тадбирлар давомида “Наманган сув таъминоти” акциядорлик жамияти тасарруфида бўлган 264 та сув олиш ва узатиш иншоотларидаги 406 та ер ости қудуқлари ўрганилди. Ўрганишлар давомида 1 122 та камчиликлар аниқланиб, бартараф этиш чоралари кўрилди. Истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик суви сифатини ўрганиш бўйича маҳаллалар, аҳоли хонадонлари ва ташкилотларда жами 1 761 та намуналар олиниб, таҳлил натижаларига кўра 199 та ҳолатда талабга жавоб бермаслик аниқланди. Сув сифатини меъёр талабларига жавоб бериши таъминланди.

– Наманган сув таъминоти акциядорлик жамияти билан Наманган вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ўртасида қўшма қарор имзоланган бўлиб, ушбу қўшма қарор ҳамда ҳудудий инспекциянинг иш режасига асосан “Қизилравот” сув тозалаш ва узатиш иншоотида назорат тадбирлари ўтказилди. Сув иншоотида замонавий технологиялар ўрнатилган бўлиб, замонавий қурилмаларнинг аввалги қурилмаларга нисбатан бир қанча афзалликлари мавжуд. Мутахассисларимиз томонидан ушбу қурилмалар ёрдамида ичимлик сувини тозалаш жараёнида фойдаланиладиган кимёвий бирикмалар, уларнинг меъёрлари ўрганиб борилмоқда, – деди бош мутахассис Рустамжон Ниёзов.

Жорий йилнинг январь ойида 200 дан ортиқ ана шу каби намуналар олинганда 51 та ҳолатда талабга жавоб бермаслик аниқланган. Бу юзасидан таъминотчи корхонага тегишли тартибда кўрсатмалар берилди. 2024 йил давомида 384 та ҳолатда сувдан ноқонуний фойдаланиш ҳолати аниқланган бўлиб, фойдаланувчилардан 1 млрд 725 млн сўм зарар ундирилган. 39 та ҳолатда иш ҳужжатлари прокуратура органларига тақдим этилган. 357 та ҳуқуқбузарга нисбатан 824 млн сўмлик маъмурий жазо чоралари қўлланилди. Январь ойида эса ичимлик суви ва оқова хизматларидан ноқонуний фойдаланганлар 30 нафардан зиёд фойдаланувчига нисбатан тегишли тартибда маъмурий жаримлар расмийлаштирилган.

Инспекция иш режасига асосан, “Қизилравот” сув иншоотида аҳолига ичимлик сувини етказиб бериш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўрганилди. Бу ерда умумий лойиҳа қиймати 74, 6 млн АҚШ долларини ташкил этувчи Наманган вилояти ичимлик суви ва канализация тизимларини модернизация қилиш лойиҳаси доирасида иншоотда зарарсизлантириш ускунаси ва энергия тежовчи замонавий насос агрегатлари ўрнатилган.

– Ҳозирги кунда Европа тараққиёт ва тикланиш банки лойиҳаси асосида иншоотимизда ош тузидан гипохлорид натрий ажратиб олиш ускунаси ўрнатилди. Кунига 200 минг куб метр тоза ичимлик суви ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган иншоот зарарсизлантириш учун фойдаланилади. Бунда бактериологик ва кимёвий кўрсаткичларда туну кун тўла назорат олиб борилади. Бир кунда 700 килограмм тоза ош тузи сарфланиб, ош тузи билан биз гипохлорид натрий ана шу ускуна орқали ажратиб олинади ва аҳоли ҳамда халқ хўжалиги корхоналарига тоза ичимлик суви етказиб берилмоқда, – деди иншоот раҳбари Аҳмадхўжа Акрамов.

Шу билан бирга, Инспекция ходимлари томонидан Наманган муҳандислик-технология институтида талаба ёшлар ўртасида ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш мавзусида очиқ мулоқот ўтказилди. Унда мутахассислар ёшларга она табиатнинг ушбу неъматини асраб-авайлаш, тоза ичимлик сувини аҳолига етказиб беришдаги машаққатлар ҳақида сўзлаб беришди. Тадбир давомида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассилар томонидан жавоб қайтарилди. Ичимлик сувидан фойдаланишда исрофгарчиликнинг олдини олиш мақсадидаги тадбирлар маҳаллалар ва корхона ташкилотларда давом этмоқда.



**Бобур МАМАТОВ,** Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.

# ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР











**Юртимизнинг бошқа вилоятларидаги каби Жиззах вилоятида ҳам аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.**

Хусусан, Жиззах вилоятида 2024 йилда 4 500 хонадонли кўп қаватли уйлар қурилиши белгиланган бўлиб, улардан 3 237 таси фойдаланишга топширилди. Жумладан, “Янги Ўзбекистон” массивларида 1 456 хонадонли уй-жойлардан 688 таси аҳолига топширилди. Уй-жойлар қурилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 68 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди. Шу билан бирга, 748 нафар фуқаро 22,4 миллиард сўм субсидия асосида янги уй соҳибига айланди. “Янги Ўзбекистон” массивлари тўлиқ инфратузилма билан таъминланган бўлиб, фуқароларнинг замонавий ва қулай ҳаёт кечириши учун барча шароитлар яратилмоқда.

Шунингдек, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида 2025 йилда 5 700 хонадонли уйлар қурилиши режалаштирилган. Бу ўтган йилга нисбатан 2,5 мингтага кўпдир. “Янги Ўзбекистон” массивларида 1 840 хонадонли, шунингдек, аҳолининг талаб-эҳтиёжи юқори бўлган ҳудудларда 3 860 хонадонли янги уй-жойлар барпо этилади. Янги лойиҳалар бўйича пудрат ташкилотлари билан келишувлар амалга оширилиб, уй-жойлар қурилиши тизимли равишда ташкил этилади. Қурилиш жараёнида энг замонавий технологиялар, энергия тежамкор материаллар ва инновацион ёндашувлар жорий қилинмоқда.

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ипотека дастури доирасида 2024 йилда амалга оширилган ишлар ва 2025 йил учун режалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишида уй-жой қуришда асосий эътиборни эскирган уйлар ўрнида реновация асосида замонавий кўп қаватли уйларни кўпайтиришга қаратиш зарурлиги таъкидланган эди.

Реновация ҳисобига ердан фойдаланиш самарадорлиги 4-5 карра ошади, коммуникация харажати 2 карра камаяди. Асосийси, бу орқали шу ҳудуддаги одамларнинг дунёқараши ўзгаради, турмуш тарзи тубдан яхшиланади, савдо-сервис, иш ўрни кўпайиб, иқтисодиёт ривожланади. Бу борада Жиззах, Марғилон, Қўқон, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарлари, Дўстлик тумани ва пойтахтнинг қатор ҳудудларида ишлар яхши бошлангани қайд этилди. Уларнинг тажрибасини барча ҳудудда оммалаштириш кераклиги, авария ҳолатидаги эскирган уйларда яшаётган одамлар буни кутаётгани кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, реновация асосида бу йил 20 минг хонадон қурилишини ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш бўйича Жиззах вилоятида ҳам бир қатор амалий ҳаракатлар бошлаб юборилди. Хусусан, шаҳар ва туман марказларида ер майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида “Ривожланаётган Реновация” дастури амалга оширилмоқда. Жиззах шаҳридаги “Тошлоқ” МФЙ ҳудудида маънавий эскирган 13 та турар ва 5 та нотурар жой бинолари ўрнида инвестор томонидан 15 та 12 қаватли 1 320 хонадонли уй-жойлар ҳамда 216 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши бошланди. Пахтакор туманида эса 17 гектар майдонда 85 та 5-7 қаватли 4 500 хонадонли уйлар қурилиши бошланган бўлса, Дўстлик туманида 11,5 гектар майдонда 50 та 5-7 қаватли 1 600 хонадонли уй-жойлар барпо этилмоқда.

Энг муҳим жиҳати шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори доирасида Жиззах шаҳрининг “Маданият” ва “Тошлоқ” МФЙларида келгуси икки йил давомида 99 та 2 қаватли эски уйлар ўрнида 12-16 қаватли замонавий 6 385 хонадонли турар жой мажмуалари қурилиши режалаштирилган. Ушбу уйларнинг биринчи қаватида аҳолига хизмат кўрсатиш объектлари жойлаштирилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, якка тартибда уй-жой қуриш, таъмирлаш учун ипотека кредити ажратиш бўйича ҳам аҳолига тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, уй-жой қурилиши ва таъмирлашни қўллаб-қувватлаш мақсадида янги ипотека кредитлари йўлга қўйилгани, кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож шахслар учун 17,5 фоиз ставкада 120 миллион сўмгача, 20 йил муддатга ипотека кредитлари ажратилгани ҳам эҳтиёжманд аҳоли учун яна бир қулайлик ҳисобланади. Қолаверса, уй сотиб олиш учун эса 330 миллион сўмгача бўлган ипотека кредити тақдим этилади. Шунингдек, бошланғич тўловнинг 30 миллион сўми субсидия асосида қопланади, кредит фоизининг беш йиллик даври учун 5,5 фоизи давлат томонидан тўлаб берилади.

Мамлакатимизда уй-жой қурилиши ва инфратузилма ривожланиши бўйича амалга оширилаётган бу каби чора-тадбирлар фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилиб, замонавий ва қулай яшаш муҳитини яратишга кенг имкониятлар очмоқда. Ушбу ислоҳотлар юртимизнинг жадал ривожланиш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир. Бир сўз билан айтганда, янги лойиҳалар аҳолини сифатли ва замонавий уй-жой билан таъминлаш, ҳудудларнинг жадал ривожланишига хизмат қилиш билан бирга, маҳаллий иқтисодиётни янада жонлантиришга ҳам замин яратади. Янги иншоотлар эса фақатгина турар жой эмас, балки тадбиркорликни ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга ҳам туртки беради.

## Жорий йилда Самарқанддаги БСКлар янада фаол

**Сарвар БОБОНАЗАРОВ,** Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.

**Кўҳна Самарқанднинг янги қиёфаси сифатида барпо этилаётган юзлаб кўп қаватли уйлар ҳисобига вилоятда фаолият юритиб келаётган бошқарув компаниялари зиммасидаги масъулият ҳам тобора ортмоқда. Чунки уй-жойларга ўз вақтида эътибор қаратилмаса, уларда яшовчи аҳоли кўплаб муаммоларга дуч келиши табиий.**



Бу борада вилоятимиздаги БСКлар томонидан амалга оширилаётган ишлар мақсадга мувофиқ. Хусусан, 2024 йилда кўп квартирали турар жой фондини мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича амалга оширилган ишларга тўхталадиган бўлсак, жами 559 та кўп квартирали уй таъмирланган. Шундан, 206 та уйларнинг том қисми капитал ва жорий, 424 та кириш йўлаклари, 3 283 та электр шит таъмирланди. Булардан ташқари, 178 та кодли қулфли, темир эшиклар ўрнатилиб, 105 та кўп қаватли уйнинг ертўласи тартибга келтирилди. 128 та уйнинг ички муҳандислик тармоқлари янгиланиб, 179 та уйларда фрамуга ойналари ҳамда 1037 та электр тежамкор сенсор лампалар ўрнатилди. 61 та кўп квартирали уйларнинг фасад қисмидаги таъмирлаш ишлари натижасида уйлар янада шинам қиёфага кирди.

Булардан ташқари, туташ ҳудудларни ободонлаштириш бўйича ҳам бошқарув компаниялари томонидан ўтган йилда кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2 та болалар майдончаси янгитдан қурилиб, 24 тадан ортиғи жорий таъмирдан чиқарилди. 3,300 п/м ирригация тармоқлари таъмирланиб, 3,100 квадрат метр йўлакларга бетон қоплама ётқизилган. 178 та ташқи ёритиш чироқлари ўрнатилиб, 3 та умумий фойдаланишдаги ҳожатхона таъмирдан чиқарилди ҳамда 12 та айвонча (навес) қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Жорий йилда ҳам вилоятдаги бошқарув компаниялари ходимлари янада шижоат билан фаолиятини давом эттиряпти. 2025 йилда кўп квартирали турар жой фондини мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича жами 159 та кўп қаватли уйни таъмирлаш режалаштирилган.

## Маҳаллалар чирой очмоқда

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бугун юртимизда “Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла” мезонлари асосида амалга оширилаётган тадбирлар Хоразм вилоятининг чекка ҳудудларига ҳам кириб бормоқда. Бу дастурлар орқали кўчалар обод, маҳаллалар янада чирой очмоқда.**





Янгиариқ туманидаги Хўжалар маҳалласида ана шу мезонлар асосида амалга ошириладиган тадбирларни намунали ташкил этиш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар ўтказилди. Белгиланган чора-тадбирлар бўйича маҳаллада 5 километр ички йўлларни шағаллаштириш, 1,1 километр қисмини асфальт қилиш, 2 километр пиёдалар йўлакчаси қуриш, 60 дона тунги ёритгич ўрнатиш режалаштирилган.

Шунингдек, дастур доирасида маҳалла ҳудудидаги 3 та трансформатор мукаммал таъмирланади, 1 таси янгитдан ўрнатилади, 3 километр электр линиялари реконструкция қилинади. 5 километр узунликдаги газ қувурлари тартибга келтирилиб, 1 км ичимлик суви тармоқлари реконструкция қилинади. Бундан ташқари, кўчалар ва уй-жойларни ободонлаштириш, томорқаларни тартибга келтириш, кўчат экиш, ўз-ўзини банд қилиш орқали оилалар даромадларини ошириш ва камбағалликдан чиқариш, спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш режалаштирилган.

Вилоятнинг Қўшкўпир туманида ҳам барча дастурлар доирасида 42 километр умумфойдаланувдаги йўллар ва 55 километр ички хўжалик йўлларини таъмирлаш режалаштирилган. Шунингдек, туманнинг Қоравул маҳалласида ҳудуд инфратузилмасини янада яхшилаш мақсадида электр, табиий газ ва ичимлик суви тармоқларини таъмирлаш, кўчаларни ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Тадбир давомида маҳалла аҳли учун бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ва чуқурлаштирилган тиббий кўрик ҳам ташкил қилинди.

Боғот туманидаги Тўпчи маҳалласида ҳам юқоридаги тадбирлар уюшқоқлик билан амалга ошириляпти. Бу йил туманда барча дастурлар доирасида 45 километр умумфойдаланувдаги ва 45 километр ички йўллар таъмирланади. Шундан, ички йўлларнинг 15 километр қисмига асфальт ётқизилади, 30 километр қисми шағаллаштирилади. Ҳудуд инфратузилмасини янада яхшилаш мақсадида электр, табиий газ ва ичимлик суви тармоқларини таъмирлаш, кўчаларни ободонлаштириш ишлари ҳам олиб бориляпти. Тадбир давомида маҳалла аҳли учун бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ва чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил қилинди.

## Қулай транспорт инфратузилмаси аҳоли хизматида

**Зулфизар МАВЛОНОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Вобкент тумани ҳудудидан ўтувчи “М-37” Самарқанд – Бухоро – Туркманбоши автомобиль йўлининг 239-километр қисми ҳамда “Д-198” Азизобод – Вобкент – Хўжа Порсо – А380 йўл узелида йўлсозлар томонидан реконструкция ишлари амалга оширилди.**



Йўл кесишмасида геометрик параметрлар янгиланиб, иккита тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи хавфсиз масофага кўчирилди. Бундан ташқари, чорраҳа яқинида янги хавфсизлик чоралари жорий этилиб, 500 метрлик маҳаллий йўл барпо этилди. Бу ишларнинг барчаси йўловчилар ва ҳайдовчилар учун хавфсиз ҳаракатланишни таъминлашга қаратилган.

Булардан ташқари, 32 километрли республика, 147 километрли маҳаллий аҳамиятга эга бўлган Вобкент йўлларидан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси маълумотларига кўра, ҳудудда 178 километрдан зиёд йўл қисми мунтазам хизмат кўрсатяпти.

Шунингдек, “Ташаббусли бюджет” дастури доирасида ҳам йўл таъмирига катта эътибор қаратилди. Лойиҳанинг 2024 йилги биринчи мавсумида Вобкент туманида 172 миллиард 800 миллион сўмлик 216 та лойиҳа молиялаштирилиб, йўл инфратузилмасини яхшилаш бўйича ишлар жадал олиб борилди. Йилнинг иккинчи ярмида эса 76 миллиард сўмлик 68 та йўл лойиҳаси амалга оширилиб, фойдаланишга топширилди. Бу орқали ўнлаб қишлоқлар ва уларда яшовчи аҳоли учун қулай транспорт йўлаклари яратилди.

Бир сўз билан айтганда, йўлсозларнинг мазкур ташаббуслари туманда транспорт ҳаракати хавфсизлигини ошириш билан бир қаторда аҳоли учун муҳим муаммолардан бирини ҳам ҳал этди. Натижада, Вобкент аҳолиси учун транспорт инфратузилмаси қулайлиги янада ортди.

# ҚУВАСОЙНИНГ ҚУЁШ ПАНЕЛЛИ КЎЧА ЧИРОҚЛАРИ

**Қувасой – саноати ривожланган ҳудуд. Бу ерда фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда харидоргир.**






Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Эътиборга молик жиҳати шуки, шаҳарда кейинги йилларда энергия тежамкор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда қисқа фурсатда қурилиб, ишга туширилган “Blue Carbon” корхонасида ишлаб чиқарилаётган қуёш панелли кўча чироқлари бугун юртимиз бозорларига етказиб берилмоқда.

– 50 нафардан зиёд ёшларимиз бандлиги таъминланган қўшма корхонамиз бир йил давомида 50 мингта қуёш панелли кўча чироқлари ишлаб чиқариш қувватига эга, – деди корхона раҳбари Азизиллоҳ Ҳабибуллаев. – Энергия тежамкор маҳсулотимизга талаб кундан-кун ортиб бормоқда. Яқинда маҳсулотимизни Тошкент, Бухоро, Навоий шаҳарларига буюртма асосида етказиб бердик. Фарғонамизнинг қиёфасини ўзгартириб юборган “Экошаҳар” кўчаларини ҳам бизнинг чироқларимиз нурафшон қилмоқда.

Маълумотларга кўра, тажриба тариқасида айни пайтда Қувасой шаҳри ҳудудидаги кўчаларга 3000 га яқин қуёш панелли чироқлар ўрнатилган. Натижада қисқа фурсатда 860 миллион сўмлик электр энергия тежалган.

# Бўзатовда янги сиҳатгоҳ қурилмоқда

**Шарипа АБДРАЗИЕВА,**
Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги махсус ва архив ишлари бўйича бош мутахассиси.

**Яхши меҳнат қилган киши, мароқли ҳордиқ чиқаришни ҳам билиши керак. Шу пайтгача Оролбўйи минтақасида ишчи-хизматчиларнинг дам олишлари учун шароитлар бирмунча ҳаминқадар эди.**

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 2 октябрда Қорақалпоғистон Республикасига қилган ташрифи давомида туман ва маҳаллалар инфратузилмасини замон талабига мос равишда шакллантириш, кўп қаватли уйлар қуриб, муҳтожлар талабини қондириш ҳамда ҳудудда ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириш қаторида фуқароларнинг меҳнатдан сўнг маданий ҳордиқ чиқаришлари ва соғлиқларини тиклашлари учун кенг тармоқли санатория мажмуасини қуриш таклифи ҳам киритилганди.

Кўп ўтмай Президентимиз топшириғи ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси маблағлари ҳисобидан Бўзатов туманининг “Эркиндарё” овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Ақеден” аҳоли пунктида санатория мажмуаси қурилиши бошланди. Бунинг учун Бўзатов тумани ҳокимининг қарори билан Қорақалпоғистон Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашига 7,0 гектар ер майдони ажратиб берилди. Объектнинг лойиҳа ҳужжатларига асосан, 6 қаватдан иборат 200 ўринли ётоқхона, ошхона, клуб ва даволаш бинолари, ёпиқ бассейн, 2 та хонадон учун коттеж, шунингдек, дам олувчилар учун бошқа бино ҳамда иншоотлар барпо этиш белгиланган. Қурилиш, ободонлаштириш ва коммуникация ишларини бажаришга маблағ ҳамда зарур техникалар ажратилди.



“Касаба лойиҳа” МЧЖ лойиҳаси асосида “Касаба қурилиш-таъмир” МЧЖ бош пудратчи сифатида бунёдкорлик ишларини бошлаб юборди. 110 нафар қурувчининг саъй-ҳаракати билан бугунги кунда мажмуада 80 фоиздан ортиқ ишлар амалга оширилди. Замонавий иншоот жорий йил охирига қадар фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. 200 ўринга мўлжалланган сиҳатгоҳ фаолият бошлаши натижасида йилига 6 минг нафар бемор соғлигини тиклашга имкон яратилади ва 100 нафардан ортиқ мутахассиснинг доимий бандлиги таъминланади.

Санаторияда дам олувчилар ҳамда беморлар асосан физиотерапия ва сув билан даволанади. Бундан ташқари, даволаш биносида электр уйқу, тузли хона, озонотерапия, электрофорез, лазеротерапия, магнитотерапия, УВЧ, дарсонвал, массаж хоналари ҳам бўлади. Сув орқали даволаш хонасида эса балчиқ, шарко, парафин, сувости массажи ҳамда минерал сув билан муолажа қилиш имкони яратилади.

Айтиш жоизки, ушбу санатория учун айнан мана шу жой танланганининг сабаби, мутахассислар объект ҳудудидаги 950 метр чуқурликда инсон организмига фойдали бўлган минерал сув борлигини аниқлашган. Айни пайтда бу бўйича ҳам лойиҳалар тайёрланиб, қазиш ишлари олиб борилмоқда.

# Академияда “Очиқ эшиклар куни”

**Жамшид МАРДИЕВ,** Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси ўқитувчиси, подполковник.

**Умумтаълим мактабларида ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.**

Хусусан, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 225-сонли мактабнинг 9-синф ўқувчилари “Очиқ эшиклар куни” муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида бўлишди.

Ташриф давомида ўқувчилар академиянинг ўқув бинолари, спорт комплекси, тарихий музейи, бадиий кутубхона, ўқ отар қуроллар музейи ва курсантларнинг ётоқхоналари билан яқиндан танишдилар. Ҳарбийлар ҳаётини кузатган баъзи ўқувчилар келажакда ҳарбийлик касбини танлашини ҳам айтиб ўтишди.

Бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучлари академияси ўқувчиларда яхши таассурот қолдирди. Бу каби учрашувлар эса келажак авлоднинг маънавий, интелектуал ва ижтимоий ривожланишида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

**Xorazm viloyatining Xiva shahar “To‘rt shovvoz” madaniy obyektiga tutash 6,2 gektar hududida “MKB Kasana Invest Group” MCHJ buyurtmachiligida barpo etilishi rejalashtirilgan “Hunarmandlar markazi” majmuasining master-rejasini tayyorlash maqsadida professional loyiha nashkilotlari o‘rtasida**

**TANLOV E’LON QILINADI!**

**Tanlovda ishtirok etish uchun professional loyiha tashkilotlari taklif etilmoqda. Tanlovda eng maqbul sifat narx va muddat taklifi tanlov g‘olibi hisoblanadi. Shuningdek, tanlov ishtirokchisi quyidagi majburiyatlarni bajarishni zimmasiga olishi zarur:**

1. Tayyorlangan master rejani Madaniy meros agentligi, “Hunarmand” uyushmasi va boshqa barcha tegishli mutasaddi tashkilotlar bilan kelishish.
2. Majmuada faoliyat yuritishi rejalashtirilgan barcha hunarmandlarning fikr va takliflarini inobatga olgan holda “Hunarmandlar markazi” tarkibiga kiruvchi barcha obyektlarga individual yondashish.
3. Master reja tayyorlash muddati kamligi sababli hududni mukammal bilish majburiyati yuklanadi.
4. Master rejani ishlab chiqib, topshirishdagi barcha qo‘shimcha sarf-xarajatlar g‘olib loyiha tashkiloti tomonidan amalga oshiriladi.
5. Yuqorida qayd qilingan majburiyatlar bo‘yicha ogohlantirilganligi va bajarishi to‘g‘risida buyurtmachi tashkilot nomiga kafolat xati ham taqdim etilishi zarur.

Tanlov ishtirokchilarining takliflari Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Kichik halqa yo‘li, 3-uy manzilida ish kunlari 9.00 dan 17.00 gacha qabul qilinadi. **Takliflarni taqdim etishning oxirgi muddati:** 2025-yil 25-fevral kuni soat 16.00 gacha.

Buyurtmachiga bog‘liq bo‘lmagan sabablar tufayli yetib kelmagan takliflar tanlovda qatnashmagan hisoblanadi.

**Mas’ul shaxs telefon raqami:** 99-001-73-13.

**ЛОЙИҲАЧИ ВА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**
**Тошкент вилояти, Паркент туманида қурилиши режалаштирилган замонавий 5 та 5 қаватли турар жой лойиҳаси учун Бош лойиҳа ва Бош пудрат ташкилотларини танлаб олиш бўйича**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!**

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қурилиш ишларини амалга оширишда иштирок этиш истагида бўлган ташкилотлар таклифлари қабул қилинишини маълум қиламиз.

Энг юқори рейтингга эга ва самарали иқтисодий таклифлар киритган ташкилотлар танлов ғолиби сифатида танланади.

Шуни таъкидлаб ўтамизки, қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга оширилишини инобатга олиб, тижорат таклифларни тақдим қилишда пудрат ташкилотлари назорат ўлчови натижаларига мувофиқ аниқланадиган умумий қийматдан чегирма беришлари, лойиҳа ташкилотлари эса лойиҳанинг дастлабки қийматидан маълум бир миқдорда фоиз кўринишида ўз таклифларини беришлари лозим бўлади.

Таклифлар 2025 йил 25 февралига қадар Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 7-“Б” уй манзилида, АТ Халқ банки бош офисида қабул қилинади.

**Маълумот учун телефон:** 90-996-59-09.
**Электрон почта:** info@xb.uz

**“Qashqadaryo texnologik transport” AJ**
**АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

“Qashqadaryo texnologik transport” AJ Кузатув кенгашининг 2025 йил 15 январь куни бўлиб ўтган йиғилиш қарорига асосан 2025 йил 14 февраль соат 10.00 га мўлжалланган навбатдан ташқари умумий йиғилиши “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 68-моддасига асосан кворум бўлмагани сабабли 2025 йил 4 март соат 11.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри, Косон тош йўли, 16-уй манзилидаги жамият биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Умумий йиғилишга келадиган акциядорлар (уларнинг вакиллари)ни рўйхатга олиш соат 10.00 дан 11.00 гача амалга оширилади.

**“QashqadaryoTT” AJ Ижроия органи.**

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ
муборак бўлсин!

**2025 йилнинг 18 - 20 февраль саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган**

“Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” Лойиҳа қидирув ва қурилиш пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш бўлими бош мутахассиси **Юнус Назаров,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси бош мутахассиси **Евгений Туляганов,**

“Ташгипрогор” АЖ ЭО гуруҳ раҳбари **Бекзод Абдуразаков**,

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси алоқачи-телефонисти **Ринат Ҳасанов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси қурилиш-синов лабораторияси хизмати ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими бош мутахассиси **Бекмурат Сейтимбетов,**

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари-вилоят бош архитектори **Маҳаммадрўзи Бакиров,**

Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Бунёд Ташев,**

Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Собир Аҳмедов,**

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Холмурод Юлдашов,** архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассис **Жамшид Қурбонов,** бош бошқарманинг хўжалик ҳисобидаги давлат хизматлари кўрсатиш бўлими бошлиғи **Зумрад Хўжамуратова,**

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш шўъбаси бош мутахассиси **Хушбахт Маманазаров,** етакчи мутахассис **Асилбек Абдуқодиров,** Фарғона тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Гулхумор Жўраева,**

Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги “Пиридастгир коммунал сервис” БСК МЧЖ бош директори **Тўра Ибодов,**

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги “Yakkasaroy kommunal birinchi” БСК МЧЖ бош директори **Алег Дадабаев,**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “Жемчуг 77” Уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувчиси **Диляра Сайдумерова,** Яккасарой туманидаги “Kommunal-profi-УЖМШ” бошқарувчиси **Олег Джумабаев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Шерзод Ҳидоятов,
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 241.
2022 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир –**
Р. Хўжаева.
**Навбатчи –**
А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни –
Топширилди – 22.30.

123456